

РУС ЭРТАКЛАРИНИНГ МИФОЛОГИК МАНБАЛАРИ ХУСУСИДА

Кади́ров Камо́л Намазови́ч

*Навоий давлат педагогика институти
рус тили ва адабиети кафедраси доценти*

Аннотация: *Мазкур мақолада рус халқ эртакларининг мифологик манбаларини ойдинлаштирилган. Шунингдек, сеҳрли эртаклар сюжети ва бадиятида мифологик образлар, мифологемалар борасида мулоҳаза юритилган. Сеҳрли эртак сюжетида мифологик образлар бажарадиган бадий вазифалар курсатилган. Сеҳрли эртакларнинг сюжет ва композицион яхлитлиги, унинг схематик таҳлили борасида мулоҳазалар юритилган. Поэтик тафаккур таждрижий такомлида миф, афсона ва эртак сюжетининг эволюцион узвлари хусусида назарий қарашилар ўз ифодасини топган.*

Калитли сузлар: *мифлар, афсона яратувчилари, сеҳрли эртаклар, эртак изодкорлари, сеҳрли кучлар, мифологик персонажлар, дунё категорияси.*

О МИФОЛОГИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКАХ РУССКИХ СКАЗОК

Кади́ров Камал Намазови́ч

*Навоийский государственный педагогический институт
доцент кафедры русского языка и адабиети*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются мифологические истоки в русских волшебных сказках. Также речь идет о мифологических образах, мифологемах в сюжетах волшебных сказок. Художественная роль мифологических образов в системе волшебных сказок. Далее говорится о схематическом разборе и анализе сюжета и композиции в структуре волшебной сказки. Поэтическое представление и эволюционное преобразование мифов в сюжетной линии волшебных сказок.*

Ключевые слова: *Мифы, создатели мифов, волшебные сказки, создатели сказок, волшебные силы, мифологические персонажи, мировая категория.*

ABOUT THE MYTHOLOGICAL SOURCES OF RUSSIAN FAIRY TALES

Kamal Kadirov

*Navoi State Pedagogical Institute
Associate Professor of the Department of Russian Language and Literature*

Abstract: *This article discusses the mythological origins in Russian fairy tales. We are also talking about mythological images, mythologems in the plots of fairy tales. The artistic role of mythological images in the system of fairy tales. The following is a schematic analysis and analysis of the plot and composition in the structure of a fairy tale. Poetic representation and evolutionary transformation of myths in the storyline of fairy tales.*

Keywords: *Myths, myth makers, fairy tales, fairy tale creators, magical powers, mythological characters, world category.*

Кишилик жамиятининг турли даврларида маънавий тараққиёт тарихи борасида мулоҳаза юритилар экан, беихтиёр бадий тафаккур тадрижий такомил билан боғлиқ баҳсли масалаларга мурожаат қилинади. Бадий тафаккур тарихий тараққиётини кузатиш албатта сеҳрли эртакларнинг генезиси ва поэтик эволюцияси борасида жиддий ўйлаб кўришга ундайди. Жаҳон фольклоршунослигида сеҳрли эртаклар ўзига хос хусусиятлари билан баҳолаш учун эталон сифатида қаралади. Сеҳрли эртакларнинг жозибдорлиги унинг сюжети ва бадииятида мўъжизавий вақеиликнинг ифодаланиши ҳайвонлар ҳақидаги ва маиший эртаклардагига нисбатан ёрқинроқ намоён бўлади. Сеҳрли эртакларда ҳақиқий (реал) дунё энг кўп сеҳрлантирилади. Эпик қаҳрамон ва унинг саргузаштлари реал маконда содир бўлса-да, фантастика қобиғида ифодаланганлиги учун ҳам тингловчини ўзига кўпроқ жалб қилади.

Таниқли рус фольклоршуноси В.Я.Пропп сеҳрли эртаклар борасида мулоҳаза юритаркан, сеҳрли эртакларнинг специфик хоссалари борасида тўхталиб уларга шундай таъриф беради: "Бу ерда биз бирор-бир зарар ёки зиён етказиш билан (ўғирлаб кетиш, қувғин этиш ва бошқалар), ёхуд бирор нарсага эга бўлиш (шоҳ ўз ўғлини Семурғ қушини қўлга олишга юборади) истаги билан бошланадиган эртак жанрини ўрганамиз ва асар қаҳрамонини сафарга юбориш, унга қидирилайётган буюм ёки жонзотни топишда ёрдам берувчи сеҳрли восита ёки ёрдамчини ҳаётувчи билан учрашув ва ушбу восита ёрдамида қидирилманинг топилиши орқали ривожланади. Эртак давомида душман билан олишув (унинг энг муҳим шакли - илон (аждар) билан курашиш), юртига қайтиш ва таъқиб қилиниши берилади. Кўпинча, бу композиция мураккаблаштиришларни ўз ичига олади. Қаҳрамон уйига яқинлашмоқда, лекин ўз ака-укалари уни тубсиз жарликка ташлайдилар. Келажакда у яна қайтиб келади, қийин вазифалар орқали синовдан ўтказилади ва ўзининг юртида ёки қайнотасининг мамлакатада тахтга ўтиради ва уйланади. Бу жуда кўп ва хилма-хил сюжетлар асосида ётадиган композицион асоснинг қисқача схематик тақдимооти. Ушбу схемани ўзида акс эттирувчи эртаклар бу ерда сеҳрли деб номланади"¹³⁴.

Юқорида В.Я.Пропп томонидан эртакка берилган таърифи шуни англатадики, олимнинг ушбу китобида эртакнинг сюжет-композицион схемаси категорик схема билан алмаштирилади. Бунда категорияларнинг таркиби уларнинг дунёнинг

¹³⁴ *Пропп В. Я. Исторические корни волшебной сказки. -М., 2014. – С. 5.*

универсал тасвиридаги ўрни билан белгиланади. Бу тасвир дунёнинг тўрт қисмини - жонсиз (физик) табиат, жонли табиат, психика (руҳият) ва маданиятни ўз ичига камраб олади. Уларни умумий *дунё* категорияси бирлаштиради. Сеҳрли эртақларда реал олам - замин олами ва ўзга олам параллеллашади. Сеҳрли эртақ қаҳрамони ҳар икки оламда фаолият кўрсатади. Эртақ эпик қаҳрамонининг ўзга оламдаги хатти-ҳаракатлари сўзсиз сеҳрга асосланган бўлса, замин оламида ҳам кўпчилик ҳолларда сеҳрнинг таъсири кузатилади. Эпик қаҳрамоннинг фантастик воқеалар қоришиғида ҳаракатланиши сеҳрли эртақларнинг эпик жанрлар ичида нисбатан қадимийроқ эканлигига ишора қилгандай. Жаҳон фольклоршунослигида ҳам сеҳрли эртақлар бошқа фольклор жанрларидан олдинроқ шаклланган деб тахмин қилинади. Шунингдек, сеҳрли эртақнинг келиб чиқиш манбасини мифологиядан излаш кераклигини кўпчилик фольклоршунослар таъкидлашади.

Мифлар, мифологик афсоналардагидек, эртақларда ҳам ғайритабиий кучлар фаолият кўрсатади. Бу кучлар иккита асосий хусусиятга эга: улар кудратли ва мўъжизакор. Инсон боласи, хоҳ яҳудий, хоҳ мусулмон, хоҳ насроний, хоҳ бошқа диннинг вакили бўлсин ўз худоларининг кудратига ва ҳар қандай мўъжизага қодирлигига шубҳа қилмайди. Мўъжизавий воқеалар эса, илоҳлар томонидан амалга оширилади деб ҳисоблашадилар.

Илоҳлар ҳақидаги афсона яратувчи қадимги халқлар асрлар давомида уни илоҳийлаштирилиши учун уринганлар. Шу тарзда улар, Буддани илоҳийлаштириш учун унинг туғилишининг ўзидаёқ мўъжизалар билан ўраб олишлари лозим эди. Афсоналарга кўра, бу туғилишдан сўнг мана нималар содир бўлди: "Қувонч дунёдаги бутун мавжудотни камраб олди. Қўшиқ ва рақслар ерни ларзага солди, самоларда аксадо бериб янгради. Барча дарахтлар гуллар ва ғарқ пишган мевалар билан қопланди. Юксаклардан нафис, тиниқ ёғду таралди. Хасталар азоблардан қутилишди, очлар сийланди, мастлар хушёр тортишди. Телбаларга ақл қайтди, беморга - соғлик, камбағалга - бойлик келди. Зиндонларнинг дарвозалари очилди, иллатлилар гуноҳларидан покланди"¹³⁵.

Сеҳрли эртақларда тасвирланган мўъжизалар ҳам ижобий, ҳам салбий қаҳрамонлар билан боғлиқдир. Жумладан, рус сеҳрли эртақларида ижобий қаҳрамонлар сифатида Иван-шаҳзода, Иван дехқоннинг ўғли, доно Василиса, Мария Моревна ва бошқалар, уларнинг душманлари сифатида эса - Ўлмас Кошей, кўп бошли илон, Баба Яга (Ялмоғиз кампир) ва бошқалар иштирок этишади. Эртақ сюжетида ижобий ва салбий характердаги эпик қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари мифологик схема асосида эртақ сюжетини ташкил этади. Эртақдаги барча воқеа-ҳодисалар шу схема асосида яхлит тизимда ривожланиб боради. Воқеалар моҳияти ижобий қаҳрамоннинг эзгулик, салбий қаҳрамоннинг ёвузлик тимсоли сифатида бўй кўрсатишига олиб келади. Умуман, сеҳрли эртақларда эпик қаҳрамоннинг ёвуз мифологик образга қаршилантирилиши, ҳаёт фалсафасидаги эзгулик ва ёвузлик

¹³⁵ Жизнь Будды. Сост. С. А. Комиссаров. -Новосибирск, 1994. – С. 16

ўртасидаги кураш асосида шаклланган. Соддароқ қилиб айтганимизда, қадимги аждодларимизнинг дуалистик қарашлари маҳсули сифатида талқин қилинмоғи лозим.

Сеҳрли эртакларда баъзан мифологик образ бир вақтнинг ўзида ҳам салбий ҳам ижобий вазифа бажаришини ўзбек халқ эртаклари мисолида текширган фольклоршунос О.Қаюмов ҳаётий –маиший воқеаларнинг эртак сюжетида мифологик образлар воситасида талқин этилиши, пари, Хизр каби мифологик персонажларнинг эртак сюжетида дуал вазифа бажаришининг генезиси қадимги одамларнинг дуалистик тасаввурларига бориб тақалади, -деб ҳисоблайди¹³⁶.

Маълумки, эртакларда ижобий қаҳрамонларнинг салбий қаҳрамонлар устидан ғалабасига сеҳрли кучлар – мифологик ҳомий кўмаклашади. Бу кучлар, афсоналарда бўлгани каби, ўз ғайритабиий хусусиятини эртакларда ҳам сақлаб қолади. Аммо афсоналарда улар илоҳий табиатга эга бўлса, эртакларда эса бадиий хусусият касб этади. Яъни бадиий тафаккурда мифик тасаввурнинг мифопоэтик тасаввурга айланиш ҳодисаси айнан эртакларда кўзга ташланади.

Афсона сюжети моҳиятида муайян диний тасаввур, диний мақсад ётади. Эртак сюжети моҳиятида эса бадиий тасаввур, эстетик мақсад ётади. Шу жиҳатдан эртаклар санъатга тегишлидир. В.Я.Пропп жуда ҳақли равишда бу фарқга асосий аҳамият берган. У ўзининг “Сеҳрли эртакларнинг тарихий илдизлари” номли асарида шундай деб ёзган эди: "Бунда афсона сифатида худолар ёки илоҳий мавжудотлар ҳақидаги, ҳақиқийлигига халқ ишонган ҳикоя тушунилади. Бу ерда гап эътиқоднинг психологик омил сифатида эмас, балки тарихий омил сифатида кўрилишидадир. Геркулес ҳақидаги ривоятлар бизнинг эртагимизга жуда яқин. Аммо Геркулес унга эътиқод қилинадиган маъбуд эди. Бизнинг, Геркулесга ўхшаб, олтин олма излаб сафарга чиқаётган қаҳрамонимиз (сеҳрли эртак қаҳрамони) эса бадиий асарнинг қаҳрамонидир"¹³⁷. Кўринадики, афсона сюжетидаги мифологик воқелик диний аҳамият касб этиши, эртак сюжетидаги сеҳрли мифологик талқин бадиий –эстетик моҳият касб этиши В.Я.Проппнинг диққат марказида бўлган.

Дарҳақиқат, дастлаб сеҳрли эртаклар мифологик асосда шаклланган. Ўзининг жанр мустақиллигини кўлга киритиш учун эртак диний функцияларини юқотиши керак эди. У жумладан, ўзини диний маросимдан ажратиши керак эди. Бу ҳақда В. Я. Проппдан куйидагиларни қайд этади: "Дорси (америкалик мифолог ва фольклорист) диний маросимдан ажралиш жараёнини бузилиш деб атайди. Бироқ, аллақачон диний функциялардан маҳрум бўлган эртак, ўзининг келиб чиқиш манбаи бўлмиш афсона билан таққосланганда, аҳамияти пасайган ҳодиса эмасдир. Аксинча, диний шартликлар ришталаридан озод бўлган эртак бадиий ижоднинг бошқа ижтимоий омиллари таъсирида ҳаракатланадиган эркин ҳавосига чиқиб, тўлақонли ҳаёт кечира бошлайди. Бу билан сюжетнинг нафақат унинг мазмуни томонидан келиб чиқиши,

¹³⁶Қаюмов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси). Филол.фан.номз.дисс.автореф. – Тошкент, 1999. – 15.

¹³⁷Пропп В. Я. Исторические корни волшебной сказки. – Москва, 2014. – С.13-14.

балки сеҳрли эртақнинг бадий ҳикоя сифатида келиб чиқиши англашилади"¹³⁸. Сеҳрли эртақлардаги мифологик талқин эртақларнинг мифдан ёки афсонадан ўсиб чиққанлиги борасидаги баҳсларга сабаб бўлди. Сеҳрли эртақлар қаҳрамонлари борасида тадқиқотлар олиб борган таниқли рус фольклоршуноси Е.М. Мелетинскийнинг фикрича: "Эртақ иждоқорлари энди мифологик руҳда фикр юритмас эдилар, сеҳрли кучларнинг инсон характерининг нисбий пассивлигини назарда тутган фаоллиги сеҳрли эртақ бадий шаклининг асосини, эртақ эстетикасининг асосини ташкил этди. Эртақдаги сеҳрли кучлар аллақачон "автоматик равишда" ҳаракат қилишади, улар адолатни ҳимоя қиладиган ижтимоий кучларнинг тимсолига айланишди. Эртақнинг бахтли ниҳояси ўзининг сеҳр-жодуга асосланган ўзагини йўқотди ва адолат ғалабасига ишончни ифодалай бошлади"¹³⁹. Олимнинг назарий қарашлари тўғри, мифологик моҳият эртақ сюжетида диффузиялашуви натижасида ўзининг функционал вазифасини ўзгартирган. Ибтидоий одам тасаввуридаги сеҳрли кучлар ўз мифологик моҳиятидан биров чекиниб, тафаккур тарозусининг бадий-эстетик палласига кўча бошлаган. Натижада, илоҳий куч-қудратга эга мифологик персонаж қаҳрамонга ёрдамлашувчи мифологик ҳомий персонажга ёки эпик қаҳрамоннинг рақиби сифатида майдонга чиқиб, ақлли инсон фарзандига енгилла бошлайди. Мифологик образнинг воқеалар ривожидида актив фаолиятда пасив фаолиятга тушиб қолиши диний-этиқодий тасаввурларнинг хиралашувига, бадий – эстетик тасаввурларнинг бойиб боришига ўтиш жараёнидаги муҳим нуқтадир. Тафаккур тарихий тарққиётида мифологик тасаввурлар дастлабки бадий фикрлашга асос солган. Дастлаб оламни илоҳий талқинларда тушунган ибтидоий инсон унинг мўъжизаларини аста-секинлик билан эстетик ҳодиса сифатида қабул қила бошлаган. Тафаккурдаги бу ўзгариш ўз навбатида эпик жанрлар тарққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Сеҳрли эртақларда қадимий мифологик тасаввурлар рудементлари турли мифологик персонажлар тимсолида гавдаланади.

Рус эртақларида маъжусиёна (бутпараст) эътиқодларнинг фақат акс-садоларигина сақланиб қолган. Фақат тажрибали фольклористнинг ўтқир тадқиқий нигоҳи эртақларимиздаги баъзи қаҳрамонлар ва славян мифологиясининг сув ажинаси (водяной), алвасти (леший), уй ажинаси (домовой) ва хоказолар каби персонажлари ўртасидаги узвийликларни аниқлай олади. Бу персонажлар ўз мифологик табиати билан харктерли бўлиб, эртақ сюжет тизимида ўзига хос поэтик вазифаларни адо этади. Уларнинг бадий вазифалари ва мифоогик моҳиятини англаш учун қадимги мифоология илмидан хабардор бўлиш талаб этилади.

Рус эртақларининг образлар тизими борасида тадқиқот олиб борган Э.В.Померанцева эртақ қаҳрамонларининг мифологик асосларини аниқлай туриб шундай деб ёзган эди: "Бизгача етиб келган баъзи сеҳрли эртақлар, улар бизнинг тушунчамиздаги эртақларга айланишидан олдин, мифологик тасаввурлар билан боғлиқ эди. Рус эртагининг Морозко ва Денгиз подшоси - Сув бобоси каби

¹³⁸ Протт В. Я. Исторические корни волшебной сказки. – Москва, 2014. – С. 313.

¹³⁹ Мелетинский Е. М. Герой волшебной сказки. – Москва, 2005. – С. 14.

қахрамонлари, ёинки Қуёш, Ой ва Шамол ёки Бургут, Лочин ва Ворон Воронович каби ғайриоддий қуёвлар ўзларида анимистик дунёқарашнинг аниқ хусусиятларини мужассамлаштирган ва табиат кучларининг илоҳийлаштирилиши ҳамда тотем ҳайвонни кадрлаш билан боғлиқ ҳолда майдонга келган. Худди шуни биз айиқ ўғли Иван ҳақидаги рус болалар эртагида ҳам, Мис пешона бўри ҳақидаги эртақларда ҳам кўрамиз”¹⁴⁰.

Олиманинг илмий мушоҳадлари бир қадар чуқур. У рус халқ сеҳрли эртақларининг генетик асосларини тўғри белгилайди. Аммо оддий ўқувчи, табиийки, славян мифологиясининг персонажларини рус эртақларининг қахрамонлари билан боғламайди. Масалан, "Денгиз шоҳи ва доно Василиса " эртагидаги Денгиз шоҳи, унинг учун умуман собиқ сув ажинаси эмас, балки фақат сув ости салтанатининг шоҳидир. Бундан зиёдроқ ҳам, камроқ ҳам эмас.

В.П.Аникиннинг ёзишича, “Эртақларда ғайритабиий куч ҳақида ҳикоя қилиниши уларда рус демонологиясига хос афсонавий мавжудотлар пайдо бўлишига олиб келиши керак: алвастилар (леший), дала ажиналари (полевик), кун ярми ажинаси (полудница), сув ажинаси (водяной), сув париси (русалка), уй ажинаси (домовой), ғаллаҳона ажинаси (овинник), ҳаммом ажинаси (баенник), пичанхона ажинаси (гуменник), молхона-отхона ажинаси (хлевник), уй паррандалари қафаси ажинаси (клетник) ҳамда деҳқон ҳовлиси ва хўжалигининг бошқа “истиқоматчилари”. Бироқ, эртақда бундай жонзотлар деярли йўқ, шунингдек трясовицалар, злиднялар, кикиморалар ва бошқа ёвуз руҳлар ҳам йўқ. Агар сеҳрли эртақларда баъзан алвастилар, сув ажиналари, кикиморалар учраса, бу уларнинг мифологик ҳикоянинг ҳақиқий персонажлари билан алмашингани сабаблидир. Масалан, "Морозко" эртагининг вариантларидан бирида, кишки стихияларнинг қудратли ҳукмдори бўлмиш Морзко (Аёзбобо) ўрнига, ўғай қизга деҳқоннинг қизи орзу қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсани совға қилган алвасти (леший) иштирок эттирилади”¹⁴¹. Дарҳақиқат сеҳрли эртақларда демонологик персонажлар афсоналардаги каби турли кўринишларда учрамайди. Бу ҳол демонологик тасаввурларнинг мифологик арсеналдаги фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мифологик арсеналда мифологик образлар дуалистик вазифа адо этади. Демонологик образлар эса, фақат бир хил ёвузлик тимсоли сифатида гавдаланади, холос.

Рус эртақларидаги маъжусий (бутпараст) эътиқоднинг ўрнини орзу эгаллади. "Ўзига хос шаклларда ифодаланган эртақона фантастика, - деб ёзади. В.П.Аникин бу борада, - халқнинг интилишларини, орзу-умидларини, истакларини алоҳида ёрқинлик билан ифодалайди. Эртақларда сиз бошқача, ёруғ ва адолатли ҳаёт ҳақидаги орзуни ҳам, бир лаҳзага ташвишли ҳаётни унутиб, ёрқин фантастика жозибасига берилиш истагини ҳам, ҳеч бўлмаганда хаёлда ноинсоф хўжайинни, руҳонийни, савдогарни бундан завқланишингизни яширмаган ҳолда жазолаш хоҳишини ҳам ва ниҳоят, шунчаки омадсиз қахрамонлар ҳақида кулгили ҳикоя тинглаб, кун давомида

¹⁴⁰ Померанцева Э. В. Русская народная сказка. –М., 1963. – С. 56.

¹⁴¹ Аникин В. П. Русская народная сказка.-М., 1977. – С. 88.

сарфланган кучларни тиклашга бўлган эҳтиёжни ҳам учратасиз. Эртактлар бадииятида халқнинг қалби ва онгини ҳаяжонлантирган ҳамма нарса мужассамлашган¹⁴².

Қадимги одамларнинг сеҳрли фантастик воқеаларнинг содир бўлишига истаги балан эди. Улар агар ҳаётда бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда эртактларда жароҳатларни даволайдиган ва ҳатто ўликларни тирилтирадиган сув пайдо бўлишини; ҳаётда бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда эртактларда, навқиронликни қайтарадиган ёшартирувчи олмалар бўлишни, ўзи ўтин чопадиган болта қийин вазиятга тушиб қолган одамларнинг сеҳрли ёрдамчилари пайдо бўлишини истаганлар. Уларнинг бу истаклари эртактлар сюжетида сеҳрли предметларнинг ва сеҳрли фантастик воқеаларнинг майдонга келишига замин яратган. Эртактлардаги сеҳрли воқеаларнинг руёбга чиқиши икки восита асосида амалга ошади: 1. Сеҳрли ёрдамчи ёки мифологик ҳомийлар бўлса, 2. Сеҳрли предметлардир.

Сеҳрли эртактлар сюжетида жиддийроқ эътибор берсак "...эртактнинг асосий қаҳрамонлари билан ёнма-ён уларнинг сеҳрли ёрдамчилари туришади. Улар турлитуман ва кўпсонли: Совчи Ақл (Сват Разум), Мечкай ва Ебтўймас (Опивоало ва Обьедало), Гориня, Дубиня ва Усиня, орқа ҳовлидаги кампир (старушка-задворенка), Башоратчи букри тойчоқ (Сивка-бурка - вещь каурка), Кулранг бўри (Серый волк), Нўғай-қуш (Ногай-птица), Мушук ва Кўппак (Кот и Кобель) ва кўплаб бошқалар. Улардан баъзилари ҳаёлий ва сеҳрли, улар бутунлай узоқ шоҳликда, шунинг учун бу сиймолар жуда умумлашган ва индивидуал характерга эга эмас. Бошқалари деярли оддий, дунёвий ҳаёт кечиришади, ҳақиқий қийинчиликларни енгийади; улар эртактчилар томонидан юмшоқ ҳазил билан, маиший эртактнинг ўзига хос усулларида фойдаланган ҳолда, образни психологизациялаш, нутқни индивидуаллаштириш ва ҳоказолардан фойдаланган ҳолда тасвирланади¹⁴³.

Эртактаги ёрдамчи персонаж сифатида ҳаракатланувчи мифологик ҳомийлар шундай мўжизаларни амалга оширадиларки, бунга ҳатто маъбудлар ҳам ҳасад қилишлари мумкин. Мифологияда илоҳларгина мўжизалар қилишга қодир бўлса, сеҳрли эртактларда мифологик образлар илоҳларга хос куч-қудрат тимсоли сифатида гавдаланади.

Қадимги одамларнинг орзу умидлари сеҳрли эрталардаги мифологемаларнинг майдонга келишига саба бўлган. Турмушдаги қийинчиликлар ибтидоий одамларни ўйлашга мажбурлаган. Улар бир кеча-кундузда катта миқдорда мато йигириш ва тўқиш имконияти, бир кеча-кундузда яхши бошпана, ҳатто “сарой”, яъни душманга қарши мустаҳкам қаср қуриш имконияти ҳақида фикр юритганлар; энг қадимги меҳнат воситаларидан бири бўлган йигирув чархи, қўлда тўқиш учун ибтидоий дастгоҳ ва доно Василиса ҳақида эртактни яратганлар.

Қадимий эртакт ва афсоналарнинг мақсадга мувофиқлигига яна ўнлаб исботдалилар келтириш мумкин, ибтидоий одамларнинг ҳаёлий, фаразий, лекин

¹⁴² Аникин В. П. Русская народная сказка.–М., 1977. – С.35.

¹⁴³ Померанцева Э. В. Русская народная сказка. – М., 1963. – С. 64.

технологик хусусият касб этиб улгурган тафаккурининг узокни кўзлай билиши даврлар ўтиши билан инсон тафаккурининг ривожланишига ва илмий мушоҳада юритиш кўникмасининг шаклланишига олиб келган. Эртақлардаги “Ойнаи жаҳон” замонлар ўтиши билан телевизор, телефонимиздаги видео мулоқотларнинг майдонга келишига, учар гиламлар самалёт ва верталётларнинг ихтиро қилинишига асос бўлган.

Аслида, эртақда сеҳрли буюм сифатида ҳаракат қила олмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. В. Я. Пропп бу ҳақда шундай деб ёзган эди: “Агар эртақ кўмакчилари дунёси бой бўлса, сеҳрли буюмларнинг сони деярли ҳисобсиздир. Муайян шароитларда сеҳрли буюм ролини ўйнай олмайдиган нарса йўқ. Асбоблар (тўқмоқлар, болталар, таёқчалар) ва турли хил қуроллар (қиличлар, милтиқлар, камон ўқлари) ва ҳаракатланиш воситалари (қайиқлар, аравачалар), мусиқа асбоблари (сурнайлар, скрипкалар) ва кийим-кечак (кўйлақлар, қалпоқлар, этиклар, белбоғлар) ва тақинчоқлар (узуклар) ва уй-рўзғор буюмлари (чакмоқтош, супурги, гилам, дастурхон) ва бошқалар”¹⁴⁴ эртақ сюжети сеҳрли предмет сифатида майдонга чиқади.

Сеҳрли буюмларни қидириш кўплаб эртақ сюжетларида ўз аксини топган. И.П. Черноусованинг қайд этишича, “Қатор эртақларда қидирув объекти сифатида нафақат олтин буюмлар, балки бошқа ғаройиботлар (кўз кўрмаган, бу дунёда мавжуд бўлмаган нарсалар), ёшлиқни сақлай оладиган эликсирлар (мўъжизавий, сеҳрли ичимликлар): тирик ва ўлик (шифобахш) сув, ота, қайнота, подшоҳ учун ёшартирувчи олма, хотин учун ажойиб мўъжиза, топилмас матоҳ, опа-сингил учун куйловчи дарахт ва гапирувчи (сўзловчи) қуш, уларнинг баъзилари маданий буюмлар қидирилуви ҳақидаги тегишли афсоналар турига бориб тақалади, сеҳрли воситалар ва бошқалар. Агар ғаройиб олтин буюмлар мўъжизали функциясини йўқотган бўлса, унда ёшартирувчи олма, ёшартирувчи, тирик ва ўлик сув каби ажойиб нарсалар бу функцияга эга: улар қаҳрамонга узок умр ва мангулик бахш этади(улар кекса шоҳга навқиронлик, куч-қувват ато этиш, касалликлар ва кўрликдан даволашга қодир). Бунда эртақда касаллик, ўлимни енгиш ва бар ҳаётликка эришиш билан боғлиқ космик муаммо акс этади”¹⁴⁵.

Эртақ нафақат табиат ва моддий маданият нарсаларга, балки маънавий маданият тушунчаларга ҳам мўъжизавий хусусиятларни бағишлайди. У бундай хусусиятларни, масалан, тилга боғлайди. Унда сўз мўъжизавий тарзда ҳаракатга айланиши мумкин. Эртақ қаҳрамони сеҳрли сўзларни айтди - ва дарё оқишдан тўхтади, ўрмон икки томонга ажралади, чумолилар бутун атрофдан ўрмалаб келиб йиғилишади, асаларилар бутун дунёдан учиб келиб йиғилишади ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, дунёнинг эртақдаги тасвири мифологик дунёқараш қаърида пайдо бўлди. Бу дунёқарашдан эртақ ғайритабиий ҳодиса сифатида мўъжиза ҳақидаги

¹⁴⁴ Пропп В. Я. Русская сказка. -Л., 1984. – С. 190.

¹⁴⁵ Черноусова И. П. Язык фольклора как отражение этнической ментальности (на материале фольклорной концептосферы русской волшебной сказки и былины). – Липецк, 2013. – С. 114.

тасаввурни мерос қилиб олди. Аммо эртақ ўзининг унга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди: агар динда мўъжизага ҳақиқий воқеа сифатида ишонишса, эртақда эса бу бадий тўқима сифатида баҳоланади.

Бадий тўқима эртақчиларга ўз мўъжизаларини яратишга имкон беради. Бундай мўъжизалар сеҳрли ёрдамчилар ёки мўъжизавий буюмлардан эмас, балки тўғридан-тўғри ҳикоячиларнинг ўзидан келиб чиқади. Бу ҳолда ҳикоячи мўъжизакорнинг ролини ўзи учун сақлаб қолади. Унинг иродаси билан дарёлар сутли, қирғоқлар – мураббодан ва далалар бўйлаб учадиган каклик – қовурилган бўлади.

Хуллас, сеҳрли эртақлар сюжетининг мифологик манбалари қадимги аждодларимизнинг эътиқодий тасаввурларидан иборатдир. Сеҳрли эртақлардаги мифологик образ ва сеҳрли буюм воситасида содир этилган эврилиш ҳодисалари семантик моҳияти нуқтаи назаридан қайси эътиқодий тасаввурларга бориб тақалишини одинлаштириш орқали унинг мифологик манини аниқлаш лозим. Сеҳрли эртақлар сюжетида мифологик мотивлар мифологик персонажлар демонологик образ ёки персонажга нисбатан анча фаол эканлиги эртақлар генезиси мифологик тасаввурларга бориб қадалишини кўрсатади.